Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 10 октябрь, пайшанба, №117 (3463).

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ, ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

**ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ**

**Москвага амалий ташриф билан борган Қасим-Жўмарт Тўқаев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида иштирок этди.**




Қозоғистон Президенти Владимир Путинга Россиянинг МДҲга раислиги давридаги самарали фаолияти учун миннатдорчилик билдирди.

Қ. Тўқаев сўнгги йилларда Қозоғистоннинг ташқи сиёсий фаолиятида минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга қаратилган саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлат раҳбари Қозоғистон учун 1991 йилдаги Алмати декларацияси асосида яратилган нуфузли халқаро ташкилот сифатида МДҲ салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мутлақ устувор вазифа эканини таъкидлади.

Қозоғистон Президенти ўз нутқида Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор иқтисодий юксалишга эришиш, бу борада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ўзаро савдодаги тўсиқларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, хусусан, нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда пулнинг қадрсизланишини жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотларининг тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ҳамкорликда янги логистика йўлакларини ривожлантириш муҳимлигини қайд этди.

– Таъкидлаш жоизки, Қозоғистоннинг кўп томонлама дипломатияси тизимида МДҲ алоҳида ўрин тутиб, мазкур ташкилот доирасида илгари сурилаётган таклифлар ва ташаббуслар Ҳамдўстликда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакат манфаатларини амалга оширишда юксак натижаларга эришишга қаратилган. Айниқса, халқаро майдондаги мураккаб геосиёсий вазият, кучайиб бораётган кескинлик, транспорт-логистика ва савдо-иқтисодий алоқалар тизимига бўлган жиддий таҳдидлар шароитида МДҲ доирасида амалдаги савдо тартибини сақлаш ва янада такомиллаштириш тамойилларига асосланган тўлақонли эркин савдо майдонини шакллантириш масаласи Қозоғистон учун энг муҳим масала бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҚАЛБИДА БУНЁДКОРЛИК ИШҚИ ЁНГАН ЭЛ

**Қадим ва навқирон шаҳар – Туркистонда асрларга татигулик ишлар, улкан бунёдкорлик юмушлари адо этилмоқда. Ўнлаб қурилиш ташкилотлари, юзлаб бунёдкорлик ташкилотлари, йўлсозлар, энг замонавий, қудратли техника ана шу мўъжизавий бинокорлик тадбирлари билан банд.**



Бу ишлар – Давлатимиз раҳбарининг Мактубида белгиланган вазифалар ва халқимиз ижобий ўзгаришларни узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши шарт, деган сўзларининг амалий ифодасидир.

Бу эзгу ният йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар кўлами кундан-кунга ортиб, янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Айни пайтда "Тоза Қозоғистон" экологик акцияси доирсида уй-жойлар, ҳудудларни тартибга келтириш, шаҳар ва қишлоқларни бугунги шиддатли ислоҳотларнинг қатъий талаблари асосида изчил ривожлантириб бориш, бу борада мавжуд ички имкониятлар, инсоний салоҳиятни тўла ишга солиш, аҳолини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириб, сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга.




Шаҳарда йўллар атрофи, боғу хиёбонларга мевали ҳамда манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазиш ва кўкаламзорлаштириш, янги симёғочлар, трансформаторлар, ёритиш тизими ўрнатиш, электр тармоқлари тортиш, аҳолининг тоза ичимли сув таъминотини яхшилаш, тозалик тадбирларини ташкил этиш орқали хонадонлар ҳамда ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Вилоят меъморчилик лойиҳалари кенгашининг навбатдаги йиғилишида Туркистон шаҳри ва вилоятидаги биноларнинг ташқи қиёфаси ва меъморчилиги муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди лойиҳаларнинг чизмалари билан танишиб, мутасадди шахсларга ишларни ниҳоясига етказиш юзасидан топшириқлар берди.

Йиғилишда вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи Нурлижан Букебаев ва Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули янги лойиҳалар ҳақида маълумот беришди.

Дарҳақиқат, бу жабҳада амалга оширилаётган ишларда юртимизда иқтисодиётнинг янги, нурли уфқларини очишдек олий мақсадлар мужассам.

**"Жанубий Қозоғистон" мухбири.**



# АЭС БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Қозоғистон Республикаси Марказий референдум комиссияси республика референдуми натижаларини эълон қилди.**

2024 йил 6 октябрда Қозоғистонда АЭС қуриш бўйича умумхалқ референдум ўтди. Қозоғистон Республикаси фуқаролари мамлакатга атом энергияси керакми ёки йўқлигини ҳал қилди. Референдум ёрдамида Қозоғистонда атом энергетикасининг истиқболи ҳақидаги узоқ давом этган мунозарага нуқта қўйилди.

Умумхалқ тадбирда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҚР фуқароларининг умумий сони 12 миллион 284 минг 487 кишини ташкил қилди.

Овоз беришда иштирок этган фуқаролар сони 7 миллион 820 минг 204 нафарни ёки тадбирда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 63,66 фоизини ташкил этди.

Референдумда АЭС қурилишига қўллаб овоз берган фуқаролар сони 5 миллион 561 937 нафар ёки 71,12 фоизни ташкил этди.

«Шундай қилиб, референдум ўтган деб ҳисобланади. Референдумга қўйилган масала юзасидан ижобий қарор қабул қилинди», дея хулоса қилди Марказий Қўмита.

**Референдум комиссиясининг матбуот хизмати.**

# АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНИНГ ҚУРИЛИШИ 10 ЙИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

**Қозоғистонда барпо этиладиган АЭСни кадрлар билан таъминлаш мақсадида халқаро малакага эга барча даражадаги мутахассис-муҳандислар захираси тайёрланмоқда. Бу ҳақда ҚР Бош вазирининг биринчи ўринбосари Роман Скляр маълум қилди.**

– Атом электр станциясини барпо этиб, ишга тушириш тадбирлари 10 йил давом этади. Бу даврда кадрлар тайёрлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилади. АЭСга фақат қозоғистонлик мутахассислар хизмат кўрсатади. Шу билан бирга, халқаро малакага эга барча даражадаги муҳандис-мутахассислар захираси тайёрланади, – деди Роман Скляр Ҳукумат йиғилишидан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида.

**24.kz.маълумотлари асосида.**

Қозоғистон Мустақиллигига – 33 йил

# *Истиқлол бизга нима берди?*

## ТАРАҚҚИЁТ

Мустақиллик халқимиз руҳига афсонавий куч ато этди. Минглаб зиё ва фикр булоқларининг кўзи очилди. Ватан, эрк туйғуси халқимизнинг бутун борлиғини қамраб олди ва ўзлигини билиш, бирлашиш, эл бўлиш, жаҳон шоҳсупасида ўзининг эгаменлигини ҳалол меҳнати ва ақли билан танитиш сари етаклади. Қозоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ижодий изланиш қизиб кетди.

"Қозоғистон тинчликпарвар ва мутаносиб ташқи сиёсатга қатъий амал қилади. Мамлакатимиз фаровонлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий манфаатларимизни юксалтириш, иқтисодиётга сармоя жалб этиш дипломатиямизнинг асосий вазифаси. Қозоғистон доим БМТнинг Низомига қатъий риоя қилган ҳолда кўп томонлама ҳамкорликка тайёр. Элимиз халқаро хавфсизлик ва барқарорлик масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда", деди Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев "Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий некбинлик" Мактубида.

Йилнинг бош ҳужжатида белгиланган устувор вазифалар ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий тадбирларни барча бир жон, бир тан бўлиб қўллаб-қувватламоқда. Зеро, Янги Қозоғистоннинг адолатли қонунлари инсон қадри, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади.

**Мурат ҚАДИРБЕК,**
**ҚР Парламент Сенати депутати.**

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Мустақиллик ўз иқтисодимизни ўзимиз яратишимиз, бошқаришимиз имкониятини берди. Сиёсий мустақилликка таянган ҳолда биз иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқи озод, фаровон яшовчи демократик жамиятни яратмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбари жорий йилги Мактубида Миллий жамғарманинг фаолиятига алоҳида тўхталди. «Миллий жамғарма маблағлари, авваламбор, давлатимиз манфаатларига хизмат қилиши ва стратегик мақсадларга эришиш учун ишлатилиши керак, ташқи молиявий институтларнинг манфаатларини таъминлаши керак эмас. Миллий жамғарма узоқ муддатли макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим восита бўлиб, уни самарали бошқариш талаб қилинади. Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун фақат давлат молияларига таяниш етарли эмас. Иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб қилиш орқали бизнес фаолиятини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш керак. Бунинг учун, аввало, барқарор солиқ сиёсати зарур. Шундагина бизнес соҳаси ривожланишдан манфаатдор бўлади ва масъулият билан ишга киришади», деди.

Иқтисодий мустақилликни, миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи қатор фармонлар, қарор ва қонунлар қабул қилиндики, улар орасида мулк, ер, хусусийлаштириш, банк тизими, тадбиркорлик, хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунлар алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий пойдевори бўлмаган истиқлол бамисоли томири заиф дарахтдирки, у довул-бўронларга бардош бера олмайди.

Шундай экан, мустақилликни эндиликда иқтисодиёт билан таъминлаш керак. Шундагина Қозоғистон ўз миллий бойликларининг мулкдорига айланади.

**Дулат АБИШ,**
**Туркистон вилоят маслаҳати депутати.**

● Обуна–2025



# «ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

**Қадрли муштарий!**

*2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.*

*Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.*

*Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.*

*Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.*

**6 ойга обуна баҳоси:**
**«Қазпошта» ҲЖ орқали –**
**Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;**
**Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466**

# КУЗГИ КЎЧАТ ЭКИШ МАВСУМИ БОШЛАНАДИ

**Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган йиғилишда аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш, "Яшил белбоғ"ни ривожлантириш борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари кўчат ўтқазиш ва парваришлаш ҳамда куз мавсумида кўчатларни ўтқазишга тайёргарлик ишларини фаоллаштиришни топширди.**

Тадбирда вилоят табиий захиралар ҳамда табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев маъруза қилди. Унинг айтишича, Давлат раҳбарининг 15 млн туп кўчат экиш топшириғига мувофиқ, 2021-2025 йилларда Туркистон вилоятида 1,1 млн туп кўчат ўтқазиш режаланган.

Шу муносабат билан, "Туркистон вилоятининг аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштиришнинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси" тасдиқланиб, 2 млн 891 минг туп кўчат ўтқазиш кўзда тутилган. Вилоятнинг аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш режасига кўра, 2022-2024 йилларда 1 млн 832 минг туп кўчат ўтқазилди.

Жорий йил кузги кўчат ўтқазиш мавсуми туман, шаҳарларнинг об-ҳаво шароитига қараб, ноябрь ойидан бошланади ҳамда уларнинг талабларига кўра, 516 минг туп кўчат ўтқазиш режаланган.



**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ЁРҚИН ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ТУМАН

**Туркистон вилоятида барча туман, шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир режаси ишлаб чиқилиб, улар вилоят ҳокими ва бошқарма раҳбарлари иштирокида тасдиқланмоқда. Жадвалга мувофиқ, Саврон туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир режа муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди режаларнинг айрим такомиллаштирилиши зарур жиҳатларига тўхталиб, туман ҳокимига ишни тизимлаштиришни топширди.**

– Саврон туманининг салоҳияти юксак. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан қад ростлаган ишлаб чиқариш паркининг имкониятидан тўлиқ фойдаланиб, корхоналар фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини жорий этиш зарур. Биз даромад манбалари ва иш ўринларини кўпайтиришимиз керак. Саврон туманини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик йўналишларини қайта кўриб чиқиб, ишни жонлантиринг. Барча туман, шаҳар ҳокимларининг режаси тингланади, – деди Дархан Сатибалди.

Саврон тумани ҳокими Мақсат Танғатаровнинг айтишича, туманнинг тараққиёт режасида қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда сайёҳлик устувор йўналишга эга. Туманда мебелсозлик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳалари яхши ривожланган. 2030 йилгача қиймати 174,6 млрд. тенгелик 151та лойиҳани амалга ошириш кўзланмоқда.

Сайёҳлик соҳасига доир 14та лойиҳанинг 4таси жорий йилда фойдаланишга топширилади. Даволаш-соғломлаштириш ҳамда ҳордиқ чиқариш ҳудудлари барпо этилади. Тумандаги тарихий қадамжоларнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш йўналишида ҳам тегишли ишлар олиб борилади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

**Вилоятга жорий йилнинг 9 ойида 700 мингдан зиёд меҳмон ташриф буюрган. Бу ҳақда Туркистон вилоятининг туризм бошқармаси раҳбари Нурдаулет Медеуов ОАВ ходимлари учун ўтказилган брифингда маълум қилди.**




# ВИЛОЯТГА 700 МИНГДАН ЗИЁД МЕҲМОН КЕЛГАН

Бошқарма раҳбари "GET LOST WIZZ AIR" лойиҳасига тўхталди.

– Лойиҳа доирасида 180 саёҳатчи-блогер "яширин" шаҳарларни оралайди. Шаҳарнинг номи самолёт қўнгандагина маълум қилинади. Ушбу лойиҳа бошқа мамлакатларда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан "WIZZ AIR" авиакомпанияси саёҳат лойиҳасини Бишкек шаҳрида амалга оширди. Мазкур компания билан бу борада музокаралар олиб борилди. Учиш харажатларини компания тўлиқ ўз зиммасига олди, – деди бошқарма раҳбари.

Шу билан бирга, нотиқ жорий йилнинг 8 ойи якунларига кўра, сайёҳлик соҳасидаги асосий капиталга жалб этилган сармоялар ҳажми 43,6 млрд. тенгени ташкил этганини маълум қилди. Режага кўра, йил охиригача ушбу кўрсаткични 46,3 млрд. тенгега етказиш кўзланган.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ, ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

**ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бундан ташқари, МДҲ маконида ва қўшни минтақалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш асосий устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, МДҲга аъзо давлатлар кўп томонлама ҳамкорликни савдо-иқтисодий, сармоя, транспорт, сайёҳлик, хавфсизликни таъминлаш, маданий-гуманитар ва бошқа бир қатор соҳаларда янада ривожлантириш нафақат Ҳамдўстлик маконида, балки қўшни минтақаларда ҳам барқарор тараққиёт ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилади. Ишончим комилки, 2023 йилда қабул қилинган «Эркин савдо ва сармоялар тўғрисида»ги битим савдо-иқтисодий алоқаларимизни чуқурлаштириш имкониятини беради. Шунингдек, саноат кооперацияси, божхона тартибини соддалаштириш, янги логистика занжирларини шакллантириш, рақамли технологияларни жорий этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан ишларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ярмарка-савдога талаб ошиб бормоқда. "Ҳамдўстлик ярмаркаси" давлатлараро дастурини ишга туширишни таклиф қиламан, унинг доирасида ҳар йили МДҲ давлатларининг турли шаҳарларида бутун Евроосиё минтақасидаги ҳунармандлар ва деҳқонларни таклиф қилган ҳолда савдо тадбирлари ўтказилади. Биринчи кўргазмани Қозоғистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири – ўз вақтида Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳаси бўлган ва қадимдан "савдогарлар шаҳри" деб ном қозонган Тараз шаҳрида ўтказишга тайёрмиз, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев МДҲ халқларининг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида урғу берди.

– Маданий-гуманитар ҳамкорлигимиз йўналишларини мунтазам кенгайтириб боришимиз керак. Яқинда Астана шаҳрида ўтган Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларига дунёнинг 85 давлатидан 2000дан зиёд спортчи ташриф буюрди. Бу дунёда этноспорт ҳаракати ва собиқ кўчманчи халқларнинг маданий меросига қизиқиш кучли эканлигини кўрсатди, – деди Қозоғистон Президенти.

Қозоғистон раҳбари таъкидлаганидек, олий таълим муассасалари ва ёшлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамкорликдаги ишларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Давлат раҳбари талабалар алмашиш дастурини қўллаб-қувватлаш ва қўшма илмий-тадқиқот ишларини жонлантириш мақсадида "Ҳамдўстликнинг академик пойтахти" деб номланган янги дастурни ишга туширишни таклиф қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг фикрича, Евроосиё хавфсизлиги концепциясини биргаликда ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Президент бундай муҳим масалани МДҲ давлатлари учун устувор вазифа ҳисоблайди.

Қозоғистон Президенти келгуси йили Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаш масаласига тўхталди.

– Бу Миллатлар Ҳамдўстлигининг барча халқларини бирлаштирадиган муҳим сана. Эркинлик ва адолат тантанасининг тимсоли бўлган алоҳида мазмунга эга байрам. Ота-оналаримиз, уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнаткашларининг инсоният тарихидаги жасоратини доимо ёдда тутишимиз керак, – деди Давлат раҳбари.

Ўз нутқи якунида Қасим-Жўмарт Тўқаев Тожикистон Республикасининг 2025 йилда МДҲга раислик қилиши ва навбатдаги саммитни Душанбеда ўтказиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлади.

Учрашувда Россия Президенти Владимир Путин, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян, Белоруссия Президенти Александр Лукашенко, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам маъруза қилишди.

**Akorda.kz.**

# IT СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

**Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг топшириғига биноан, Астана шаҳрида Туркистон вилоят ҳокими девони раҳбари Еркегали Алимкулов Америка Қўшма Штатларининг Пенсильвания штатидаги "EPAM Systems" IT компанияси бошқарув раиси Аркадий Добкин билан учрашди.**



Томонлар Туркистон шаҳрида технология ва таълим маркази, шунингдек, "EPAM Systems" IT компаниясининг филиалини очиш масаласини муҳокама қилишди.

Учрашувда Туркистон вилояти ҳамда таълим, IT соҳаларини такомиллаштириш юзасидан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар юритилди. Аркадий Добкин EPAM рақамли муҳандислик мактабининг афзалликлари ва имкониятларига тўхталиб, ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Бугунги кунда Туркистон шаҳрида иккита халқаро университет фаолият юритмоқда. Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетида 8 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг 2211 нафари бошқа шаҳар ва хорижий давлатларнинг фуқаролари.

Халқаро сайёҳлик ва меҳмондўстлик университетида 2980 нафар талаба ўқийди. Уларнинг 1043 нафари бошқа минтақалардан келган.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# "АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР КАРВОНИ" – САВРОНДА

**Туркистон вилоятида ўтаётган "Анъанавий қадриятлар карвони" Саврон туманига етиб келди.**

Туркистон вилояти дин ишлари бошқармаси уюштирган тадбирдан кўзланган мақсад – вилоят аҳолисини турли мутаассиб диний оқимлардан асраб, анъанавий қадриятларни тарғиб қилишдан иборат эди. Учрашувда меҳмонлар орасида дин, маданият, спорт соҳалари вакиллари бор эди.

Тадбирда дин соҳасининг вакили, ҚМДБнинг Республика ахборот-тарғибот гуруҳи аъзоси Арман Қуанишбаев, Дин ишлари бошқармасининг бўлим раҳбари Қайрат Абуов, актёр, маданият соҳасининг вакили Шакен Амантуров, СССР спорт устаси, Халқаро даражадаги мураббий Абдисадиқ Халилаев иштирок этди.

Нотиқ туман ҳокимининг маслаҳатчиси Мухаммеджан Жумадуллаев диний саводхонлик ҳамда барқарорлик ҳақида маъруза қилиб, йиғилганлар томонидан берилган саволларга жавоб берди.

Учрашувда фахрийлар, бувилар, оналар кенгашлари вакиллари, қишлоқ бийлари ҳамда ёшлар ҳам иштирок этишди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ПАХТА КЛАСТЕРИ РИВОЖЛАНАДИ

**Мақтаарал тумани далаларида Хитой технологияси асосида томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Бу усул сувни тежаб, мўл ҳосил олиш учун замин яратади. Туман ҳудудида Ўзбекистоннинг "Global textile" тўқимачилик компанияси пахта толасини чуқур қайта ишлайдиган завод барпо этишни режалаштирмоқда. Ушбу лойиҳа минтақада пахта кластерини жадал ривожлантириш имконини беради.**



"Ҳамро-Ата" деҳқон хўжалиги жорий йилда пахтани анча кеч, яъни, апрель ойининг сўнггида экди. Аммо, томчилатиб суғориш усулининг самараси ўлароқ шу кунларда баракали ҳосил олинмоқда. Умуман, янги технология туман бўйича 312 гектар ерда қўлланилмоқда. Чигит ерга қадалган кундан бошлаб, далага бирорта техника кирмади. Харажати оз, қўл кучига эҳтиёж бўлмади.



Хўжалик раҳбари Абдужалил Боевнинг айтишича, минерал ўғитлар жадвал асосида бериб борилди.

– Теримни бошладик, режа – гектаридан 60 центнердан "оқ олтин" териб олиш. Уни техника ёрдамида йиғиштириб оламиз, – дейди тажрибали пахтакор.

Ушбу деҳқон хўжалигига 500 миллион тенге сармоя жалб қилинди. Лойиҳанинг ўзгачалиги, анъанавий усулга нисбатан оқар сув сарфи 50 фоизгача тежалиб, ҳосилдорлик гектарига 60-70 центнерга ортади.

Туман деҳқонлари бир асрга яқин даврдан буён пахтачилик билан шуғулланиб келади. Бироқ, бугунги кунгача етиштирилган ҳосил хомашё сифатида сотилмоқда. Келгусида бунга барҳам берилади. Ўзбекистоннинг "Global textile" компанияси билан тузилган шартнома асосида қиймати 45 миллион долларни ташкил этувчи лойиҳа амалга оширилади, натижада пахтани қайта ишлаш заводи, пахта-газлама фабрикаси, газламани бўяш фабрикаси ҳамда тикувчилик фабрикалари ишга туширилади.

**М. УСМОНОВА.**
Мақтаарал тумани.

**Ҳаётда шундай воқеалар, учрашувлар бўладики, унинг ҳаяжони хотирангда узоқ йиллар сақланиб қолади. Шундай ҳодисалардан бири ҳақида гапириб бермоқчиман.**

# ЭЛБОШИ БИЛАН УЧРАШУВ



2000 йиллар эди. У пайтлар Қорачиқ қишлоғидаги мактабда тарбия ишлари бўйича масъул эдим. Май ойининг ўрталари. Кунлар жуда иссиқ, атроф чиройли манзара касб этган. Айниқса, икки кун олдин ёғиб ўтган ёмғирдан кейин табиат янада гўзаллашиб, ҳаво бирам мусаффо эдики, асти қўяверасиз.

Ўз ишларим билан банд бўлиб ўтирган эдим, котиба шошиб кириб, телефонда шаҳар ҳокимлигидан сўрашаётганини айтди. Дарров биринчи қаватга тушиб, гўшакни кўтардим.

– Ким бу? – деган амирона овоз эшитилди гўшакдан. Ўзимни таништирдим ва директор бемориигини айтдим.

– Сизга муҳим топшириқ. Зудлик билан мактабингиздаги 10-11-синф ўқувчиларини ўқитувчилар билан қишлоғингиздаги "Турон" корхонасига олиб боринг, Президентимиз Нурсултан Назарбаев шу фирмани кўришга боради. Мен шаҳар ҳокимининг ўринбосари бўламан, – деган буйруқдан сўнг алоқа узилди.

Президент келармиш, деган хабарни эшитганмиз. Лекин, қачон келиши номаълум эди. Тезда юқори синф ўқувчиларини бир неча ўқитувчи билан қўлларига байроқ ва байроқчалар тутқазиб, йўлга тушдик. Оралиқ масофа бир чақирим чиқмайди. Биз манзилга кечикиброқ етиб бордик. "Турон" корхонаси дарвозаси олдида тўпланиб турдик. Президент пахта кластерини жорий этган тадбиркор Ҳабибулла Азимов корхонасида сафарини тугатиб, машинага ўтираётган экан. Яқинроқ кирмоқчи эдик, қўриқчилар қаршилик қилишди. Давлат раҳбари ўтирган автомашина корхона ҳовлисидан тезлик билан юриб чиқиб, анча нарида тўхтади. Ҳамма ҳаяжонда. Президент Нурсултан Назарбаев машинадан тушиб, йўл четида сим тўсиқнинг бу тарафида турган ҳамқишлоқ отахонлар билан самимий қўл бериб, кўришиб, биз тўпланиб турган дарвоза томонга кела бошлади. Биз ҳурматни бажо келтириб, байроқ ва байроқчаларимизни кўтардик. Ўшанда бошимда ўзбек дўпписи бор эди. Нурсултан Абишули менга қўлини чўзиб, самимий саломлашди.

– Энди Тошкентга бемалол бориб келаверасизлар. Мен ҳозир Ўзбекистондан келаяпман. Президент Ислом Каримов билан шу ҳақда келишдим, – деди Н. Назарбаев менга жилмайиб.

Саноқли сониялардан сўнг давлатимизнинг биринчи раҳбари автомашинасига ўтириб жўнаб кетди. Биз эса, наҳотки Қозоғистон давлати раҳбари билан учрашиб, омонлашдик, дея ҳаяжон оғушида ўз-ўзимизга ишонмасдик. Лекин бу ҳақиқат эди. Элбошимиз оққўнгил, одамохун инсон экан, халқпарварлик хислатини намойиш этди. Дарҳақиқат, шу воқеадан сўнг қўшни Ўзбекистон пойтахти Тошкентга бориб келишимиз осонлашди. Бу воқеага ҳам чорак аср бўлиб қолди.

Мустақил Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳамда қўшни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевлар икки давлат ўртасида мангу дўстлик, ҳамкорлик шартномаларига содиқ ҳолда самарали иш юритишаётганидан қозоқ ва ўзбек халқлари миннатдор. Дўстлигимиз абадий бўлсин!

**Қодир АҲМЕДОВ,**
**Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.**

# ТАРЖИМА КИТОБИМ ЎЗБЕКИСТОНДА НАШР ҚИЛИНДИ

**Илгари Шимкентдаги Абай истироҳат боғида ўтадиган ўзбек тили, маданияти, анъаналари байрамига Туркистондан Олимжон Дуржонбоев, Пўлат Иброҳимов, Ҳусан Убайдуллаев, Парпи Бобоев, Султон Бобохонов, Ҳамза Мирҳайдаровлар билан бирга борардик.**

Илк китобим – қозоқча-ўзбекча луғат тақдимоти айнан Шимкент шаҳрида, вилоят ҳокими ўринбосари Дархан Минбай иштирокида ўтгани шонли тарих. Мана, Туркистон вилояти ташкил этилгач, байрам А. Яссавий мақбараси олдида ўтадиган бўлди.

Жорий йил мен учун ўзгача. Жуда кўп қадрдон ҳамкасб, дўстларим билан учрашиб мулоқотда бўлдим. Таассуротларим олам-олам.

Ўтган йили мен қозоқчадан ўзбекчага ўгирган асар – адиб Қулбек Ергўбекнинг "Боласўз" китоби Ўзбекистонда нашр этилгани мен учун улкан ифтихордир. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиган дамларим, қадрли устозларим ёдимга тушади. "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасига 20 нусха улушим билан мунтазам ҳисса қўшиб келмоқдаман. Устозлар байрами муборак, қадрли ҳамкасблар!

**Долимжон САЙФУЛЛАЕВ,**
**Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси.**

**Тасвирда:** Д. Сайфуллаев ҳамкасблари даврасида.



***Таниқли шоир ва таржимон, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қарноқ қишлоғидаги М. Қошғарий номли мактаб-гимназиясининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Долимжон Сайфуллаев ҚР Маориф вазири Ғ. Бейсембаев имзолаган «И. Алтинсарин» кўкрак нишони билан тақдирланди. Она тилимизни асраб-авайлаш, эъзозлаш ва нуфузини оширишда самарали меҳнат қилаётган қадрли устозларни муборакбод этамиз.***

# БОЛАЛАР САЙЁҲЛИГИ ҲАМ РИВОЖЛАНСА...

**Тўлебий туман «Ёшлар имконият маркази»нинг ташаббуси билан минтақадаги сайёҳлик компаниялари ҳамда туризм соҳаси мутахассислари иштирокида вилоятимизда болалар туризмини ривожлантиришга бағишланган учрашув ташкил этилди.**

Унда болаларни сайёҳлик соҳаларига оммавий жалб қилиш тизимини яратиш, уларнинг туризм, ўлкашунослик бўйича билим даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маданий ва тарихий жойлар, шунингдек, музейлар, бадиий галереяларда болаларнинг таширифи ҳамда болалар манфаатларига йўналтирилган оилавий туризмни ҳам ташкил этиш паст даражада.

Бунда болаларга туризм, ўлкашунослик, саёҳат маданияти, жумладан, мактабгача таълим муассасаларида таълим беришни ташкил қилишда тизимли ёндашув зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Турли йўналишдаги саёҳатчилар учун эса болалар ва ўлкашунослик клублари, ҳар бир ҳудудда туристик жиҳозлар учун турли ёшдаги ижарага бериш пунктларини барпо этиш муҳимлиги қайд этилди.

Болалар туризмининг умуммиллий ҳаракатини шакллантиришни жадаллаштириш мақсадида «Ёшлар имконият маркази»нинг «2030 йилгача бўлган даврда болалар ва ўсмирлар туризмини ривожлантириш дастури»ни, шунингдек уни амалга ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

– Вилоятимизга келаётган саёҳларнинг аксарияти катта ёшдагилар, – деди «Сайрам – Угам» ноҳукумат ташкилоти раҳбари А. Абдешов. – Вилоятимизда ҳам болалар туризми оқсаётгани сир эмас. Туризмнинг ёш авлодни соғлом инсон



исфатида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда унинг ёшлар руҳиятига муҳим таъсирларини ҳам унутмаслик керак. Яъни, ўз ўлкасида саёҳат қилган одам қандай табиий ва маданий бойликларга эгалик қилаётганлигини билиб олади, қандай ажойиботларга соҳиблик қилаётганини билган инсон қўлга киритган меросидан ғурурланади. Саёҳат орқали инсон дунёни танийди, тажриба орттиради, янгиликлар кашф этади, ўз дунёқарашини шакллантиради ва бунинг натижасида фан, маданият, санъат ривожланиб, ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларига айланади. Саёҳат орқали одамлар ўзларининг соғлиқларини яхшилайдилар, янги таассуротлар олиб, жисмоний ва руҳий кайфиятларини мустаҳкамлайдилар. Туризм ёрдамида мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйдилар. У доимо тинчлик ва дўстлик тимсоли сифатида мамлакатларни ўзаро боғлаган. Буларнинг барчаси миллат маданиятини кенгайтириб, ўзаро тинч муносабатларни ўрнатишга хизмат қилади. Тарбиявий йўналишдаги вазифаси эса инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, юртини соғиниб. қадрлайди, бошқа миллатларнинг дунёқараши, урф-одатларига ҳурмат билан қарайди.

Бу фикрни ленгерлик ўлкашунос Г. Аристанбекова ҳам қўллаб-қувватлади.

– Ёшларни ўлка тарихини ўрганишга қизиқтириш – фойдалидир, – деди у. – Айниқса, ўлканинг машҳур тарихий шахслари ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар билан танишиш ўғил-қиз қалбида эртанги кунга умид ва ишонч уйғотади. Агар у тарихда машҳур бўлган инсонлар ҳаётини ўрганса, улар амалга оширган ишлар билан танишса, қалбида чексиз орзу-ҳаваслар туғилади. Келажакда, албатта, ана шулар каби машҳур инсон бўлишга аҳд қилади. Бу эса уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишларининг муҳим асосидир. Шу маънода ҳамкасбларимнинг ўқувчи-ёшлар билан ишлашда кўпроқ тарихий сиймолар, маҳаллий қаҳрамонлар, ватандош хизматчилар фаолиятига алоҳида аҳамият қаратишларини истардим. Илгари тумандаги деярли барча мактаб ўқувчилари республикамиз шаҳарлари, Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистон бўйлаб саёҳатга боришарди. Афсуски, бутун дунёда туризм ривожлантирилаётган пайтда бу тажриба кам қўлланилмоқда. Саёҳатга борган ўқувчиларнинг дунёқараши ўзгаради. Уларда она-юртга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонади, қалбида ватанпарварлик ҳисси пайдо бўлади. Демак, инсонни баркамол шахс сифатида шакллантиришда тарихни ўрганиш ҳамда сайру-саёҳатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

**А. АБДУФАТТОҲ.**



# 30 ЙИЛЛИК УЧРАШУВ

**Талабалик – олтин даврим**
**Талабалик – даврим менинг,**
**Давронларнинг зўрисан.**
**Сен умрлар баҳорисан,**
**Сен умрлар ёзисан....**

Талабаликни инсон умрининг олтин даврига қиёслаш бежиз эмас. Зеро, инсон ҳаётида бир марта ўқувчи ва яна бир марта талаба бўлиш бахтига муяссар бўлади. Бу палла инсон умрининг бетакрор ва унутилмас баҳоридир.

Туркистон шаҳридаги И. Алтинсарин номидаги педагогика билим юртини 30 йил муқаддам, 1994 йили тамомлаган собиқ курсдошларнинг "Дийдор ширин" учрашуви Ҳазрат Яссавий мақбараси ёнида ўтди. Олтинга тенг кунларимиз, шўхликларимиз, гўзал хотираларимизни қувонч ила ёдга олдик.

Собиқ талабалар минтақамизнинг турли ҳудудлари – Чўрноқ, Қарноқ, Югнак, Кентов, Сайрам, Манкент, Қорабулоқ қишлоқлари ҳамда Шимкент ва Туркистон шаҳарларидан ташриф буюрди. Бугунги кун барчамиз олий маълумотли ўқитувчилармиз. Билим юртида бизга раҳбарлик қилган марҳум устоз Назира Отабоевани миннатдорчилик билан ёд этдик. Охирати обод бўлсин!

Меҳридарё, қалби кенг Замира, Ўғилжон, Мавлуда устозларимизнинг берган билимлари беқиёс. Азиз устозларимизга таъзим ила чексиз ташаккурларимиз! Ўқитувчилар куни байрами билан барча устоз ва собиқ курсдошларимизни чин қалбимдан табриклайман.

**Назира ЮСУПОВА,**
**Т. Айтжанов номли мактаб муаллимаси.**
Саврон тумани.

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.

Ёднома

# СОФДИЛ, САХИЙ ИНСОН ЭДИ



Ўз соҳасининг билимдони, меҳнат фахрийси, одамохун, сертавозе инсон Ғофиржон Маҳмудов 86 ёшида дорил бақодан дорил фанога рихлат қилди. Унинг маърифаларида минтақанинг турли бурчакларидан келган таъзия билдирувчилар марҳумнинг сахийлиги, ёрдамга муҳтожларнинг ҳожатини чиқаришдан чарчамайдиган инсон эканликларини айтишди.

Ғофиржон Маҳмудов 1938 йил 3 октябрда Сайрам қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Оилада саккиз ўғил, бир қиз бўлиб, Ғофиржон тўнғичи эди. Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар билим юртида таҳсил олиб, 4-сонли Болалар уйида меҳнат дарсидан сабоқ берди. Укаларига бош бўлган Ғофиржон ота ширкат хўжалигидан 10 гектар ер ижарага олиб, дастлаб, пахта, кейинчалик сабзавот экинлари етиштиради. Укалари ўқишига шароит яратиб, тўйларига бош бўлди, уйли-жойли қилди. 1976 йилдан савдо соҳасига ўтиб, ҳалол меҳнати билан халқнинг олқишига сазовор бўлди.

Ғ. Маҳмудов спорт билан ошно тутинган. У енгил атлетика билан шуғулланган, волейбол, баскетболни касбий спортчилардек ўйнаган. Айниқса, ақл гимнастикаси – шаҳмат жону дили эди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида у А. Каримов, К. Агзамов билан вилоят мусобақаларида кўп бор совриндор бўлган. 2000 йилдан Шимкент шаҳридаги "Оқ тулпор" шаҳмат клубида қатнашиб, шахсий биринчиликларда бир неча бор соврин қўлга киритган. 2014 йилда халқаро даражадаги спорт устаси Г. Давлетова совринни учун бўлган мусобақада юз нафардан зиёд иштирокчи орасида 1-ўринни эгаллаган. Ғ. Маҳмудов спорт устаси номзоди меъёрларини бажарган шаҳмат устаси эди.

Меҳнат фахрийси, сахий, дилкаш Ғофиржон Маҳмуд ўғли Тўйметовнинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу сақланади.

**Ёқубжон ТЎЙМЕТОВ,**
**Абдураҳмон КАРИМОВ,**
**"Сайрам" шаҳмат клуби раиси.**

# Аср билан юзлашаётган онахон

**Халқаро ўқитувчилар куни арафасида Туркистон шаҳрининг янги ҳокими Азимбек Пазилбекули аср билан юзлашаётган таниқли устоз Гулсин Иброҳимова хонадонига ташриф буюриб, эҳтиром кўрсатди ва онахоннинг дуосини олди.**



1925 йили 1 январь санасида Туркистон шаҳрида дунёга келган Гулсин ая Калинин (ҳозирги Ҳамза) номли ўрта мактабни тамомлаб, меҳнат фаолиятини ушбу муассасада кутубхоначиликдан бошлади. Сўнг Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтини аъло баҳоларга тамомлаб, 45 йил давомида ўзининг жонажон мактабида биология ва меҳнат фанларидан сабоқ берди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Тожимуҳаммад Иброҳимов билан оила қуриб, 8 нафар фарзандини муносиб вояга етказди. У узоқ йил Калинин номли ўрта мактабда тарих фанидан сабоқ бериб, туман таълим бўлимида услубиятчи бўлиб ишлаган қадрли устоз эди.

Тўнғич ўғли раҳматли Баҳодир Иброҳимов Туркистон шаҳар таълим бўлимида услубиятчи, "Эврика" новатор ўқитувчилар клуби раҳбари бўлиб ишлаш баробарида "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетасининг жамоатчи мухбирига айланган устоз-қаламкаш эди. Кўп йил Туркистон тиббиёт билим юрти директори муовини бўлиб ишлаган ўғли Илҳом Иброҳимов бугунги кунда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаолиятида жонбозлик кўрсатаётган фаол отахонлардан. Гулсин аянинг хизматига ҳозиру нозир бошқа фарзандлари ва келинлари ҳам ўқитувчилик касбини танлашган. Бугунги кунда 27 невара, 100дан зиёд эвара-чеваралар суйиб ўтирган онахон ҳамон тетик, сўзлари бурро. "Туркистон" ва "Хабар" телеканалларига берган мусоҳабасини кўриб, унинг хотирасига тан бердим. Ўқитувчилар кунида устознинг уйидан меҳмонлар узилмайди. Туркистон шаҳар таълим бўлими раҳбари Ўразкул Қўлдасова, Ҳамза номли ўрта мактаб директори Дилбар Диймметова, мактаб касаба уюшмаси раҳбари Бахтиёр Абдураимов, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоровлар ҳам унинг ҳолидан хабар олиб, совға-саломларини топширдилар. Дарвоқе, онахон "Туркистон шаҳрининг ривожига қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Биз ҳам аср билан юзлашган онахонни байрам билан қутлаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

**Саид ХАЙРУЛЛОҲ.**

**Суратда:** шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекули Гулсин аяни байрам билан табрикламоқда.

**Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги 101-сонли мактабда Устозлар кунига бағишланган тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Қутлуғ даргоҳ остонасига қадам ранжида қилган эл ҳурматини қозонган фахрий устоз ва мураббийларни жажжи ўқувчилар табассум билан қучоқ очиб қарши олишди.**

# УСТОЗЛАР ШАРАФЛАНДИ



Тадбирни мактаб директори Нодирхон Усмонов очиб, барчани байрам билан қутлади. Шундан сўнг сўзга чиққан фахрий устоз-муаллимлар Абдурашид Тожиев, Камолиддин Қосимбеков, Рустам Ёқубов, туман ЎЭМБ хотин-қизлар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедовалар ўқитувчиларнинг ҳаётимиздаги беқиёс ролини алоҳида таъкидлаб, жамоага муваффақият тиладилар.

Дарҳақиқат, моҳир ташкилотчи, тажрибали раҳбар ва ўз ишининг билимдони Нодирхон Усмонов раҳнамолигида мактаб жамоаси салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган ўқув йилида мактабда 834 ўқувчи таълим-тарбия олди. Улар республика, вилоят ва туман фан олимпиадалари, шунингдек, турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Ўтган ўқув йилида мактабни тамомлаган 31 ўқувчининг 26 нафари олий ўқув юртларига кирди.

Жумладан, уларнинг 10 нафари давлат гранти сазовор бўлиб, қишлоқдаги мактаблар орасида учинчи ўринни эгаллади. Бундай натижаларга, аввламбор, мактаб жамоасининг меҳнатсеварлиги, аҳиллиги ва изланувчанлиги туфайли эришилмоқда.

Байрам арафасида ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги самарали хизматлари учун Насиба Умартоева, Дилноза Ашурматова, Гулрабо Ёқубова, Ойдин Абдураҳмонова, Шамхат Абдураззақов каби мактабнинг пешқадам устозлари "АМАНАТ" партияси туман филиали, туман маслаҳати, туман таълим бўлимининг ташаккурномалари билан тақдирландилар.



Мактаб бадиий ҳаваскорларининг байрамга бағишлаб тайёрлаган концерт дастури барчага манзур бўлди. Хонандалар Бахтиёр Рустамбеков, Абдуқодир Шониёзов ижросидаги қўшиқлар, Улуғбек номли мактаб ўқитувчиси Тельман Эргешовнинг саксофонда ижро этган куйи, жажжи қизалоқларнинг доира рақси, юқори синф ўқувчилари Асадбек Асадов, Гулноза Абдусаломова ва Акбарали Авазовларнинг шоир Муҳаммад Юсуф ижодидан ўқиган шеърлари тадбир иштирокчиларининг гулдурос қарсаклари билан кутиб олинди. Шу ўринда тадбирга бошловчилик қилган мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулмира Раимқулованинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбир якунида Н. Усмонов ташриф учун меҳмонларга миннатдорчилик билдириб, уларга ҳомийлар томонидан уюштирилган совғаларни топширди.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

**Тасвирларда**: тадбирдан лавҳалар.

# Мукофот муборак!

**Устоз – улуғ зот! Бу калом мағрур жаранглайди. Ўқитувчи софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқий пок инсондир. Мана шундай инсонлардан бири – оилада каттиққўл, айни вақтда меҳрибон ота, мактабда ўқувчиларнинг севимли устози бўлган, ҳақиқий меҳнатлари билан кўзга кўринган – Баҳодир Мирзаҳмедовдир.**



Баҳодир Тўламат ўғли меҳнат фаолиятини 1988 йили Сайрам қишлоғидаги Муқимий номли умумий ўрта мактабда оддий муаллимликдан бошлаган. 1993 йилдан директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 2005 йилдан мактаб директори лавозимида фаолият юритди. 2022 йилдан буён Енбекши туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси сифатида фаолият юритмоқда.

Ўқитувчилар куни муносабати билан Муқимий номли 105-умумий ўрта мактабда "Устоз, меҳнатингга раҳмат!" мавзуида байрам тадбири ўтди.

Унда Халқаро Амир Темур жамғармасининг Шимкент шаҳри бўлими раиси Абубакир Хонхўжаев, ўринбосари Аббос Шомирзаевлар иштирок этиб, ўқитувчи-мураббийларни байрам билан қутлашди ва Баҳодир Мирзаҳмедовга "Дўстлик" медалини тақдим этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Намунали оила" республика танловининг Шимкент шаҳридаги саралаш босқичида ғолибликка эришиб, республика босқичига йўлланма олган Баҳодир Мирзаҳмедовлар оиласига муваффақият тилаймиз.

**Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**

# Муаллимлик қадрияти

**Ўктам Ўролбоева Кентов шаҳридаги Алишер Навоий номли 17 ва 3-сонли ўрта мактабларда 30 йилдан зиёд ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берган. Бугунги кунда 3 фарзанди, невара-эвараларар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.**



Умр йўлдоши Абдураим Ўролбоев билан фарзандларига муносиб таълим-тарбия бериб вояга етказди.

Тўнғич ўғли Абдуқаюм "Жиззах петролеум" компаниясида етакчи мутахассис. Кенжа ўғли Ҳалил Қозоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти фаолиятида жонбозлик кўрсатаётган фаол фидойиларимиздан бири, Алмати шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси муовини. Қизи Саидахон – Аҳмад Яссавий номли ХҚТУда устозлик қилаётган олима.

Халқимизнинг шундай фахрли фарзандларини вояга етказган онахон, қадрли устоз Ўктам Асамиддин қизига узоқ умр, тани соғлик тилаб қоламиз.

**Саид ХАЙРУЛЛОҲ.**

**Суратда:** Ўктам ая ўғли Ҳалил ва қизи Саида билан.

**Туркистон вилояти, Келес туманидаги Т. Бегманова номли 8-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси Робия Дўстонова – моҳир таржимон. У ХХ асрнинг забардаст лирик шоири Муқағали Мақатаевнинг "Мени ёдга оларсан" номли китобидан 50та, классик ва замонавий шоирларнинг 145та, жами 195та шеърни қозоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилган.**



# ГУЛГУН САТРЛАР ҚОЗОҒУ ЎЗБЕКДА БОР

Робия Қамчибек қизининг қатор шеърлари Қозоғистонда "Амир Темур ва Жанубий Қозоғистон", "Чимкентим – фахрим", Ўзбекистонда "Ижодкор-ўқитувчилар ижодидан", "Зангори кенгликлар", Туркияда "Ота юрт рўзғори" (турк тилида), Мисрда "Юракка саёҳат" номли араб ва инглиз тилидаги шеърий тўпламларга киритилган. Таржималари Тошкентда чоп этилган 100 жилдли "Туркий халқлар адабиёти дурдоналари" тўпламои "Юз ўлан" китобларида чоп этилган. Ўзбек ва қозоқ адабиётлари бўйича бирқанча илмий мақолалар муаллифи.

2022 йил шоира Умида Абдуазимованинг шеърларини қозоқ тилига таржима қилиб, "Қос қанат" ("Қўш қанот") номли иккинчи таржима китобини чоп эттирди. Рус, қумиқ, қорақалпоқ, озарбайжон, турк шоирларининг шеърларини, жами 350га яқин шеърларни таржима қилди.

2023-2024 йилларда қозоқ классик ва замонавий шеъриятдан таржималари жамланган "Ўлан – сўзнинг подшоси", "Қучоғимга сиғдираман оламни" ҳамда ўзбек тилидан ўгирилган шеърлар тўплами "Дўстлик боғи" чоп этилди.

– Ёшлигимдан шеъриятга жуда қизиқардим. Бугун болаларга ўзбек тили ва адабиётдан дарс бераман. Шунингдек, дарс давомида жаҳон адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ўргатамиз. Мен ҳали ҳам ижодий изланишдаман, – дейди устоз.

Робия Қамчибек қизи Халқаро Миртемир мукофотининг совриндори, Қозоғистон ЎЭМБ "Дўстлик" ҳамжамиятининг "Жамоат фахрийси" ҳамда икки марта "Дўстлик" медаллари билан мукофотланган.

Мақола нашрга тайёрланаётган пайтда устоз ҚР Маориф вазирлиги томонидан юксак мукофот "Ы. Алтынсарин" кўкрак нишони билан тақдирланганини ҳақида ахборот олдик.

Мукофот муборак бўлсин!

**"Жанубий Қозоғистон" мухбири.**

# ЎҚИТУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Халқаро ўқитувчилар куни муносабати билан Саврон туманида ўтган тадбирда ёш авлодни тарбиялаб, уларга қалам тутқазган бир гуруҳ қадрли устозлар тақдирланди. Туман таълим бўлимининг ўзбек тили ва адабиёти услубиятчиси Фотима Тошметова раҳбарлигида она тили ўқитувчилари турли тадбирларда фаол иштирок этиб, тилимиз равнақи йўлида баракали хизмат қилмоқдалар.**



Байрам тадбирида кўп йиллик иш-тажрибага эга ўзбек тили ва адабиёти муаллималари – Наргиза Исмоилова, Гулҳаёт Ахмедова ҳамда Муяссар Зарбиддиновалар ҚР Маориф вазири Ғ. Бейсембаевнинг имзоси билан «И. Алтинсарин» кўкрак нишони билан тақдирланди. Она тилимизни асраб-авайлаш, келажак авлодга ўргатишда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган қадрли устозларнинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Саид ХАЙРУЛЛОҲ.**

**Директор – Бош муҳаррир Раймжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

*Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11000 нусха.

Буюртма: 2491.

**Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.**